Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 13 май, шанба №57 (21.820.) Сотувда эркин нархда.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар, азиз биродарлар!

Чирчиқ шаҳри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан барчангизни самимий қутлайман.

Ўзбекистон саноатининг дастлабки пойдеворлари барпо этилган бу гўзал маскан меҳнат аҳлининг ғайрат-шижоати билан бунёд этилди, гуркираб ўсди, ривожланди , салмоқли тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида машҳур. Чирчиқлик кимёгарлар, машинасозлар, энергетиклар, металлургглар, қурувчилар ва барча меҳнаткашлар қадрдон шаҳарларининг камолот ёши билан фахрланса арзийди.

Чирчиқ — мустақил мамлакатимиз халқлари ўртасидаги чинакам дўстлик, аҳиллик ва ўюшқоқлик, она-Ватанга садоқат ва фидойилик рамзидир. Бугун бу навқирон шаҳарда 70 дан ортиқ миллат вакиллари ягона оила фарзандларидек елкама-елка меҳнат қилиб, халқ хўжалигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Сизларга, қадрли биродарлар, сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик тилайман. Хонадонингиздан осойишталик, бахт-саодат ва омад ҳеч қачон аримасин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, халқ хўжалиги тармоқларидаги фидокорона хизмати ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Акрамов Баҳодир Комилович — «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси катализатор цехининг бошлиғи

Волгин Виктор Алексеевич — «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

Жамбаев Ботирали Жумабаевич — Узбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг аппаратчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Абдуҳамидов Фарҳод Абдусаматович — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти кенгаши раиси

Бегматов Нигматжон Бегматович — «Чирчиқ қурилиш ашёлари ва металл қурилмалари» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси

Шуравин Юрий Алексеевич — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти темир-бетон йиғувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМИ»

Муродова Клара Муҳамедовна, — Чирчиқ шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Қодирова Октябрхон — Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари бирлашган шифохонаси кўз касалликлари бўлимининг мудири

ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Азизхўжаев Дониёр Тошхўжаевич — Чирчиқ шаҳар ҳокими

Асанов Имран Якубович — «Узбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти темир йўл цехи бошлиғи

Ибрагимова Мамлакат Мирпайзиевна — Чирчиқ шаҳар туғурукхонасининг акушер-гинекологи

Исломов Собир — Чирчиқ шаҳар коммунал-фойдаланиш бошқармасининг автомобиль ҳайдовчиси

Кадников Анатолий Алексеевич — «Трансформатор» заводининг йиғувчи-созловчиси

Кулагина Людмила Дмитриевна — «Капролактам» қўшма корхонасининг лаборанти

Ким Ирина Николаевна — «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичувчиси

Маёқубов Тўлқин Каримович — «Чирчиққишхўжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Расулов Тўғон Камолович — «Узагроқурилишмеханизация» трести 424-сон кўчма колоннасининг бош муҳандиси

Тиллаев Аъзам Тиллаевич — «Бахт» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари

Тонких Надежда Ивановна — нафақахўр

Шарипов Наим Фармонович — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти ижрочи директорининг ўринбосари

Шиварев Александр Николаевич — Узбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг фрезерчиси

Эгамбердиев Дадахон Жўраевич — «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси

Ёқубов Фаттоҳ Ғофурович — нафақахўр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 май.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи ҳазрат Владимирни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ислом Каримов дин аҳлининг мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, умуминсоний қадриятларни, фуқаролар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларига юксак баҳо берар экан, янги жамият барпо этишда уларнинг муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Ҳазрат Владимир самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. У Ўзбекистон раҳбариятининг имон-эътиқодни тиклаш, фаровон турмуш яратиш, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар мамлакатимиз фуқароларининг дўстлиги ва аҳиллигини мустаҳкамлаш сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирди, Православ черкови бу савоб ишда муносиб ҳисса қўшиш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛИШИ УЧУН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан туламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқлансин.

2. Товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб олтмиш кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисоблансин.

Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилсин.

3. Узбекистон Республикасининг Прокуратураси тўлов қобилиятига эга бўлмаган истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бераётган (ишлар, хизматларни бажараётган) мансабдор шахсларни жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиш устидан назоратни кучайтирсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, солиқ идоралари:

муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжуд бўлган тақдирда барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек мазкур корхоналарнинг бош бухгалтерларига;

корхоналарнинг ҳисоб варақларида тегишли маблағлар мавжуд бўлгани ҳолда тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарларига ва бош бухгалтерларига энг оз иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима солдилар.

5. Узбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг тўловларни ўз вақтида ўтказишлари ва уларнинг узаро ҳисоб варақларининг ҳолати устидан доимий назоратни таъминласин, корхоналарнинг ҳисоб варақларидан тўловлар ўтказилишини кечиктиришга мунтазам суратда йўл қўяётган тижорат банкларининг филиалларини тугатишгача бўлган чораларни кўрсин:

6. Узбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси вазирликлар, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви идоларининг корхоналар ва ташкилотлар бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзи, шу жумладан муддати ўтиб кетган қарздорлик ҳолати тўғрисида ҳар ойлик статистика ҳисоботини ишлаб чиқсин ва 1995 йилнинг июлидан жорий этсин.

7. Узбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси,Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда тўлов қобилиятига эга бўлмаган хўжалик субъектларининг касодга учраганлиги тўғрисида белгиланган тартибда ишларни қўзғатиш борасидаги фаолиятни кучайтирсин.

8. Узбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги амалдаги қонунларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни бир ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 май.

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

Ишбилармонликни Самарқанддаги очиқ турдаги «Бафонда» ҳиссадорлик жамияти корхонаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Аслида дуҳоба матолари тўқиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур жамиятда бугун олтмишга яқин турдаги маҳсулот тайёрланмоқдаки, улар жамоага миллион-миллион сўмлик миқдорида соф фойда келтирмоқда.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги муайян ўтиш даврида бу ерда ишчи ўринлари қисқараётгани йўқ, аксинча ҳиссадорлик жамиятида ишловчилар сони ошяпти. Шунингдек, жамият аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ортиб, уларни маъмурият томонидан ижтимоий ҳимоялаш яхшиланиб бормоқда.

Кувонарлиси, жамоада ўрганса арзигулик тажрибалар бор. Соҳага доир кўпгина семинар ва йиғилишлар бу ерда ўтказилишининг боиси ҳам шунда.

Ҳиссадорлик жамияти ўтган йилда маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичини 59 миллион 89 минг сўмга етказиб, шундан 11 миллион сўм миқдорида фойда олиниб унинг асосий қисми аввало ишлаб чиқарувчи кучларнинг 80 фоизини ташкил этувчи аёлларнинг соғлиғини, уларнинг моддий ва маънавий шароитини яхшилашга сарфланмоқда.

Муҳаббат ТУРҒУНОВА.

Мухбиримиз бонг уради

Бултур Бухоро вилоятида биргина Қоровулбозор туманида пахта тайёрлаш режаси ялдаланмаганди. 8342 гектар майдонда деҳқончилик қилган туман пахтакорлари ҳар гектар ердан бор-йўғи 15,5 центнердан ҳосил қўтардилар. Улар давлатдан 2426 тонна пахта қарздор бўлиб қолдилар. Ҳўш, туманда режани бажариш имкониятлари бормиди? Бу йилги аҳвол қандай? Очигини айтадиган бўлсак, туманда деҳқончилик қилиш учун ҳамма имкониятлар етарли. Фақат изланиш, имкониятларни ишга солиш керак. Буни бултур режани ошириб бажарган хўжаликлар мисолида ҳам кўрса бўлади.

— Ишлаган баҳона қидирмайди, — дейди «Дўстлик» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мурод Исмоилов. — Жамоаси билан тил топсин, талабчан, тадбиркор бўлсин.

Дарвоқе, чўл шароитида бошқа туманларда бўлгани каби ерларнинг шўри ювилмайди. Бунинг кераги ҳам йўқ. Фақат экиш олдидан ерларда пушта тортилиб суғорилади. Шунда чигит бир текис униб чиқади. Мазкур хўжаликда шу усул қўлланилди. Самараси яққол кўзга ташланди, ҳар ҳолда гектаридан бултур салкам 18 центнер хирмон қўтарилди. Бу йил янада ошириш ниятлари бор. Аммо тумандаги кўпгина хўжаликларда аҳвол шундай эмас. Туман ҳокимининг биринчи муовини С.Рустамов эса режанинг бажарилмаслиги сабабларини қуйидагича хаспўшлашдан нарига ўтмади:

— Ерларни текислаш ишлари асосан март-апрель ойларида бажарилди. «Дўстлик» насос станцияси насосларини таъмирлаш вақтида тугалланмади. Шу боис сув кеч олинди. Ерлар экиш олдидан суғорилмади, минерал ўғит ўз вақтида етказиб берилмади. Уй-жой етишмаслиги сабабли кадрлар қунимсизлигига барҳам беролмаяпмиз — ва ҳоказо баҳоналар...

ИШЛАМАГАН БАҲОНА ҚИДИРАДИ

Ҳўш, бу муаммоларни ким ҳал қилади? Бу саволимиз ҳавода муаллақ қолди. Бутун бошлиқ туманда раҳбарлар кўкдан чалпак ёғишини қутиб тураверишса, аҳвол ўзгарармиди?

Биз А.Ғиждувоний номли, «Гулистон», «Мустақиллик» жамоа хўжаликларида бўлганимизда талайгина муаммоларга дуч келдик.

А.Ғиждувоний номли жамоа хўжалигида пахта тайёрлаш йиллик режаси бултур 64,17 фоизда қолиб кетди. Ҳар гектар ердан атиги 11 центнердан ҳосил олинди. Хўжаликнинг Урин Абдуллаев бошлиқ бригадаси 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 15 центнер ўрнига 2 центнердан, Воҳид Раҳимов бошлиқ бригадаси эса 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан бир центнердан ҳосил олганини қандай изоҳлаш мумкин? Ёки Баҳрон Расулов бошлиқ бригадада ҳосилдорлик 4 центнерни, Али Тошев бригадасида эса 3 центнерни ташкил этаётгани-чи?

Хўжаликда меҳнатчиларнинг қўли беш ойдан буён пул кўргани йўқ. Ҳар учала хўжалик аъзолари қуриляптими? — сўраймиз туман ҳокими Ҳ.Жумаевдан.

— Ўтган давр мобайнида туманимизда бирмунча ишлар қилинди, — деб ўзини оқламоқчи бўлади ҳоким. — Йўллар чиқарилди. Харобага айланган дала шийпонлар етоққонага айлантирилди. Энергия олиб келинди. Телефон линиялари тортилди. Лекин бу талабга жавоб бермайди. Энди давлат ҳисобидан уй-жой қура олмаймиз, — деб ростига кўчди у. — Хўжаликлар ўзлари қуришлари керак. Бунинг учун эса уларда маблағ йўқ. Ҳар ҳолда имконият излаяпмиз.

Ҳўш, имконият нега шу чоққача изланмади? Турли баҳоналар билан туман раҳбарлари ўзларига тасалли беришяпти. Туман иқтисодиётини кўтариш, ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг ягона йўли чўл шароитида ҳам дон, ҳам пахта етиштиришни кўпайтиришдир. Ҳозир туманда 15 минг гектар фойдаланилмаётган ер мавжуд. Шу ерлардан фойдаланиш учун ишчи кучи керак. Умуман олганда, ҳар жон бошига 4,5 гектар ер тўғри келади. Аммо юқоридан мадад кутиб туришнинг ўзи ҳозирги шароитда ўринлимас. Ахир, қишлоқда ислоҳотни амалга оширувчи одамларга яшаш шароитини яратиб бериш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш — ҳокимликдаги раҳбарларнинг биринчи галдаги бурчи эмасми?

Даврон БАҲРОНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ЖАК ШИРАК — ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ

Францияда Президентлик учун ўтказилган сайлов ниҳоясига етди. Икки турдан иборат бўлган мазкур тадбирнинг сўнггисида Париж шаҳрининг ҳокими Жак Ширак кўпчилик овоз олиб, Франция Президенти этиб сайланди. Мамлакат конституциясига мувофиқ, у етти йил мобайнида ана шу лавозимда фаолият юритади.

Францияда бир неча ой мобайнида давом этган сайлов кампаниясида қирқдан зиёд Франция фуқароси мамлакат Президентлигига ўз номзодини қўйди. Бироқ иккинчи турга келиб мамлакат Бош вазири — Республикани қўллаб-қувватлаш Неоголл бирлашмаси (РҚҚБ) аъзоси Эдуард Балладюр, Социалистик партиядан номзоди қўйилган Лионел Жоспен ва Париж шаҳри ҳокими Жак Ширакларгина кўпчилик овоз тўплашга муваффақ бўлди.

7 май тунида Президентлик сайлови натижалари эълон қилинди. Унда Жак Ширакнинг 52,7 фоиз, социалист номзод Лионел Жоспеннинг 48,13 фоиз овоз тўплагани маълум бўлди.

20 май куни Жак Ширак Франсуа Миттерандан тантанали равишда Франция Президентлиги лавозимини расман қабул қилиб олади.

Жаноб Жак Ширак 1932 йил 29 ноябрда Париж шаҳрида туғилган. Францияга кўплаб давлат ва сиёсат арбобларини етказиб берган миллий маъмурий мактабни тугатган. У ўзининг сиёсий фаолиятини 1962 йилда бошлаган. Икки маротаба мамлакат Бош вазири этиб тайинланган. Биринчи марта Валери Жискар д'Эстен Президентлиги чоғида 1974 йилдан 1976 йилгача, иккинчи марта эса Франсуа Миттеран Президент бўлган 1986 йилдан 1988 йилгача ана шу лавозимда фаолият кўрсатган.

1967 йил мартида Ширак Голлчилар партиясидан депутат этиб сайланган. Апрелда эса у ҳукуматнинг ижтимоий ишлар бўйича давлат котиби лавозимига тайинланади. 1968-69 йилларда иқтисодиёт ва молия бўйича давлат котиби, сўнг парламент билан алоқалар вазири (1971-72), қишлоқ хўжалиги вазири (1972-74), ички ишлар вазири (1974 йил март-май) этиб тайинланган.

«Республикани қўллаб-қувватлаш бирлашмаси» партиясининг асосчиси ва раиси. Уч маротаба (1977, 1983, 1989) Париж ҳокими лавозимига сайланган. 1979 йилдан 1980 йилгача Европа парламенти депутати бўлган.

Оилали, рафиқаси Бернадет Шодрон де Курсель. Икки қизнинг отаси.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Вьетнам Президенти Ле Дик Аня расмий ташриф билан Қувайтга келди. Ташриф давомида у Қувайт амири Шайх Жобир ас-Сабоҳ билан учрашди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, икки давлат ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида ўзаро элчихоналар очишга ҳам келишиб олди.

МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Хорватия Республикаси ва Серб Краинаси Республикаси вакиллари БМТ воситачилигида телефон орқали музокара ўтказдилар. Музокаралар ниҳоясида Хорватия ва Краина ўртасида душманлик ҳаракатларига чек қўйиш ҳақида ҳужжат имзоланди.

Маҳаллий мутахассислар мазкур ҳужжатни тинчликка эришиш йўлидаги муҳим қадамдир, дейишмоқда.

ЭЛЧИХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТИКЛАНДИ

Афғонистонда Покистон ва Ҳиндистон элчихоналари яна ўз фаолиятини бошлади.

Афғонистонда уруш ҳаракатлари кучайиб кетгани сабабли, Эрон ва Индонезиядан бошқа кўплаб давлатлар элчихоналари ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган эди.

ТАЛОЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

«Иордания билан Исроил ўртасидаги тинчлик нафақат икки давлат раҳбарлари учун, балки икки халқ учун ҳам ҳаётий зарурдир». — Иордания подшоси Ҳусайн ибн Талол Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин билан Уммонда ўтган музокаралар ниҳоясида шундай деди.

Унинг таъкидлашича, Иордания—Исроил тинчлик шартномаси Яқин Шарқдаги бошқа давлатларнинг ўзаро муносабатлари учун ҳам ўрнак бўлади.

ДЕҲЛИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Деҳлида Жанубий Осиё ҳудудий ҳамкорлик уюшмасининг олий даражадаги учрашуви ниҳоясига етди. Унда «Деҳли декларацияси» қабул қилинди.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувда Жанубий Осиёда ҳамон қашшоқлик катта муаммо бўлиб турганига эътибор қаратдилар. Шунингдек, мазкур муаммони 2002 йилгача бартараф этишга қарор қилинди.

ЖЮППЕ МУЗОКАРАЛАР ТАРАФДОРИ

Агар Босния ва Герцеговинада уруш тўхтамаса, тинчликни таъминлаш кучлари кучайтирилмаса, музокаралар бошланмаса Франция тинчликни таъминлаш кучлари таркибидаги ўз аскарларини мазкур ҳудуддан олиб кетишга мажбур бўлади, деди шу мамлакат ташқи ишлар вазири Ален Жюппе. У шунингдек, АҚШ ва Россияни Босния ва Герцеговина муаммоларига нисбатан ноаниқ позицияда турганини танқид қилди.

ИНСТИТУТЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Хитой ҳукумати XXI асрда биология соҳасида жаҳондаги илғор давлат бўлиш мақсадида илмий тадқиқотларга катта эътибор бермоқда.

1993 йилда Пекин университетининг биология факультети асосида биология институти ташкил этилган эди. Ҳозирги пайтда унинг иккита йирик давлат лабораторияси мавжуд. Синхуа ва Ухан университетларида ҳам ана шундай институт ташкил этилган.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ҚОРАЛАНДИ

Россия Федерацияси Хорватия қўшинларининг Серб Краинаси Республикасига қарши ҳарбий ҳаракатларини қоралаб, БМТ Хавфсизлик Кенгашидан зудлик билан шу масала юзасидан мажлис ўтказишни талаб этди.

Ўз навбатида, Хавфсизлик Кенгаши маҳаллий сербларнинг Загреб ва бошқа тинч аҳоли яшаётган турар жойларни туплардан ўққа тутганини қоралади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

БАХТИМИЗУ ТАХТИМИЗ

Бир неча йил муқаддам муборак Ҳаж сафарига борган эдим. Авваламбор уша кунлар насиб айлаганидан ғоят миннатдорман. Ҳожи ҳам бўлдим. Бироқ, уша сафар жараёнида бир адиб сифатида кўп жиҳатларни кузатдим.

Жумладан, лаҳжалари мутлақо ўхшамайдиган турфа миллат вакиллари улуғ Каъба атрофида қутлуғ эътиқод сабабли бир-бирлари билан худди битта ота-онанинг болалари янглиг қучоқ очиб кўришадилар. Уларни улуғ ғоя бирлаштириб турганлиги аён. Мен ана ушанда мафкуранинг инсоният ҳаётида нечоғлик зўр аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдим. Худди шундоқ ғоялар, истаклар, тилаклар халқлар орасида бошқа шаклларда ҳам кўриниб туради-ку.

Масалан, ТУРКИСТОН деган иборанинг мазмуни бир уйлаб кўрайлик. Бу атама гўёки жами мусулмонлар учун Макка нечоғлик табаррук ва бирлаштирувчи жозибага эга бўлса, Марказий Осиё халқлари учун ҳам шундоқ аҳамиятга молик. Бу ғояни истифода қилиш учун жиндаккина ақл-фаросатни ишлатмоқ лозим бўлади. Биз ким, Туркистон аҳли — у узбекми, қозоқми, ёхуд қирғизми, туркманми, тожикми ё қорақалпоқми — азалий бир макон аҳли ҳисобланганмиз. Бахтимизу тахтимиз битта.

Бу гаплар ҳаммага аён. Мен бир шоир сифатида қуни-қушни туркийзабон қардошларимнигина эмас, ҳатто Кавказу Ўрусиядаги дўстларимнинг овозларини ҳам соғинаман. Президент Ислом Каримов бизларнинг мана шу нурли туйғуларимизни илғабдилар. Минг раҳмат! Ва бу ҳақда у киши Олий Мажлиснинг сессиясида алоҳида сўзлаб ўтдилар.

Ахир уйлаб куринг: мени адабиёт йўлида қуллаб-қувватлаб келган урис Андрей Вознесенский, авар Расул Ҳамзат, қалмиқ Давид Кугултинов, қозоқ Улжас Сулаймон, тожик Лойиқ Шерали, қорақалпоқ Тулепберген Қайипбергеновларнинг айби нимада? Биз бир-биримизни кўриб туришни хоҳлаймиз. Шу маънода бизлар якдилмиз. Декадалар, маданий борди-келдилар давом этиши керак. Энг қувончлиси, ташаббус бизнинг Узбекистонимиздан чиқаётганлиги яхши фазилатдир. Чунки бизнинг мамлакатимиз айни кунларда ҳар жиҳатдан тинч ва барқарор маъводир. Умид қиламанки, пойтахтимиз Тошкент ҳам Шарқдаги маърифат ва маданият дарвозаси деб қозонган номини унутмаяжак.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис депутати

ҚУШ ИЛДИЗ

Биз ўзбек ва қирғизлар ён қўшни — жон қўшнимиз. Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг тўққиз вилояти ва Қорақалпоғистонда ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган қирғизлар уч юз мингдан ортиқ аҳолини ташкил этади. Улар бу ерда тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар.

Май ойининг дастлабки кунларида Ўзбекистон Республикасида қирғиз маданий маркази ташкил этилди. Унинг раиси этиб Жиззах вилояти ҳокими муовини, вилоят давлат мулкчилик бошқармасининг бошлиғи Аброр Каримов сайланди. Марказ Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Жиззах, Сирдарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган миллий марказлар асосида ташкил топди.

Марказнинг асосий мақсади — миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, уйғунлаштириш, ижтимоий барқарорликни сақлашдан иборат. Шунингдек, марказ она тилини, урф-одатларни сақлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантириш, халқ ижодиёти ҳунармандчилигини ривожлантириш болаларни тарбиялаш, ёшларни кооперация йўли билан Қирғизистонда ўқитиш каби вазифаларни адо этишни ўз олдига қўйган. Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг қарори билан нишонланаётган «Манас» эпосининг 1000 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда мазкур сана муносабати билан конференциялар, учрашувлар, кечалар ўтказилмоқда. Манас ватани Талосда «Ўзбекистон» номли 90 минг доллар қийматга эга бўлган 50 ўринли чойхона қурилиб, ўзбекистонлик қирғизларга совға этиш мўлжалланмоқда.

Қирғизистон ва Ўзбекистон бир дарахтнинг қўш илдизи. Зеро, фақат икки давлатнинг эмас, Марказий Осиё минтақасидаги Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистоннинг ҳам ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тўланбой ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси қирғиз маданий маркази раисининг биринчи муовини.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Ҳар қандай даврдан қатъи назар Марказий Осиё халқларининг дўстлиги, биродарлиги, борди-келди, анъаналари узилганмас. Доимо ҳамжиҳат бўлишган. Ҳозир ҳам шундай бўлишга не етсин. Ўшандан-да Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришганларидан кейин ҳам бундай анъаналарни кенгайтириш, халқларни жипслаштириш, меҳр-оқибатли бўлиш, эл-юрт осойишталигини биргаликда таъминлаш, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларни ўзаро ҳамжиҳат олиб боришларида ҳикмат кўп.

Мустақиллик фақат халқнинг фаровонлиги, тинчлиги ва уларга қулайликлар яратиш учун хизмат қилиши керак. Бунинг учун бор имкониятни бундай ишларга сарф қилиш савобдир.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида мамлакат Президенти И. А. Каримов сўзлаган нутқида «...Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила», деганида Олий Мажлис депутатлари томонидан гулдирос қарсаклар билан қуллаб-қувватланди. Бу фикрнинг аслмоҳиятини ёритиб бермоқчи бўлсак, унинг тагида кўп ҳикматлар — аҳиллик, дўстлик, бирлик, тинчлик, ўзаро манфаатдорлик ришталари бирлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳўш, Марказий Осиё халқларини бирлаштиришда ягона давлат тузиш лозимми? Йўқ! Бунга эҳтиёжнинг борлиги сезилмайди. Ҳар бир халқ ўзининг умум-халқ давлати, миллий ҳудуди, тили, маданияти, қадрияти,раияти, рамзига эга бўлсагина халқдир. Демакки, бунда давлатларнинг жипслашуви, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий, ҳарбий мудофаа муносабатларидан келиб чиқиши назарда тутилади.

Сиёсий жиҳатдан олиб қарамоқчи бўлсак,ҳали жаҳон амалиётида тадбиқ қилинмаган сиёсий табдирларни ўзаро маслаҳатлашиб, ташаббускорлик билан олиб бориш ифодаланади.

Иқтисодий бирлашув — бу иқтисодий ислоҳотлар ечимини ҳал қилишга қаратилади. Бир мамлакатда барча халқ эҳтиёжини қондирадиган истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш базасини яратиш мумкин. Лекин бу кўп вақтни талаб қилади. Мисол тариқасида олсак, Ўзбекистон енгил саноатни ривожлантириши, Қозоғистон оғир саноатни ва худди шундай бошқа давлатлар ҳам ўз шароитига мос келадиган халқ хўжалигига эътибор бериши ва товар айирбошлашни кенг йўлга қўйишда истиқбол кўриниб турибди.

Давлат томонидан ижтимоий ҳимояланаётган аҳолининг маълум қисми уша мамлакатда қандай имтиёзлардан фойдаланса, Марказий Осиё давлатлари ҳудудида ҳам худди шундай имтиёзларга эга бўлиши ва ҳимоя остига олинишида эл-юрт манфаати ифодаланмайдими?

Қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар яратишда нафақат бир давлатнинг ўрни, шароити, балки, қолган Марказий Осиё давлатларининг ҳам шарт-шароити эътиборга олиниши лозим. Бу борада биргаликда жиноятчиликка қарши курашиш, мулкдан фойдаланишнинг умумий тартибини ўрнатиш, экология ҳуқуқига амал қилиш, табиатни муҳофаза қилиш умумдавлат вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг бир давлатида халқ удумларига қандай риоя қилиниши, тарихий меросларини авайлаш, халқ доҳийларини ҳурматланиши бошқа давлатларда ҳам худди шу тарзда бўлиши назарда тутилади.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстлик ва тинчликни таъминлаш чораларидан — бу ҳарбий мудофаа ишларини барқарорлаштиришдир. Ўзбекистон йигитлари қондош давлатларда, қондош давлатларнинг йигитлари бизда ҳарбий хизматни уташлари, умумдавлатлар чегараларини ҳимоя қилиниши ягона бурч бўлиб ҳисобланишида гап кўпда.

Ҳозирги кунда бундай чоратадбирларни қанчалик аҳамиятли эканлигини сезган ҳолда Узбекистон раҳбари Марказий Осиё давлатларини, халқларини бирлашиб яшашга чақирди. Бунинг ҳар томонлама манфаатли бўлишлиги яққол кўриниб турибди.

Мубин НАСУЛЛАЕВ,
юридик фанлари номзоди.

РАВНАҚИМИЗ ОМИЛИ

Турли миллат вакиллари бўлган бизнинг барчамизга Ўзбекистон Конституцияси бир хилдаги ҳуқуқ ва эркинликлар, қонун олдида тенгликни яратиб, кафолатлаб қўйибди. Республиканинг Асосий Қонунида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшайдиган миллат ва элатларнинг тилига, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишни таъминлайди», деб ёзиб қўйилган. Бу туркманларга ҳам тўла тааллуқли. Биз қадимқадимдан ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожиклар билан ёнма-ён яшаймиз. Тарихдан маълум бўлишича, туркманлар тахминан 300 йиллар аввал Хива хонликлари ҳудудига келиб, туб аҳолига қўшилиб кетган. Ҳозир эса Ўзбекистонда 120 мингдан ортиқ туркманлар яшайди. Шунга кўра, туркман маданий маркази бошқа марказлар сингари ҳали расман тан олинмаган бўлса-да, лекин иш фаолиятимизни бошлаганимизга анча бўлган.

Мустақиллик шарофати ила миллий қадриятларимиз тикланиб, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда Наврўз айёмлари кенг нишонлана бошланди. Бундай тадбирларда марказимиз вакиллари ҳам сидқидилдан жонбозлик кўрсатиб ўз концерт дастурлари билан қатнашишди. Нукус Давлат университетида туркман тили бўлими очилгани, жойларда туркман тили мактаблари фаолият кўрсатаётгани айни муддаодир.

Куни кеча ўз ишини тугаллаган Олий Мажлис сессиясида Президентимиз таъкидлаганидек, Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Зеро, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш давлатларнинг бундан кейинги равнақига катта кўмак бўлиши шубҳасиз.

Жумақилич ОМОНОВ,
туркман маданий маркази ташаббускор гуруҳи бошлиғи.

ОЙДИН БАШОРАТ

«Туркистон - умумий уйимиз». Мамлакатимиз Олий Мажлисининг II сессиясида юртбошимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов шу сўзларни баён этдилар. Бу сўзлар ниҳоятда чуқур мазмунга эга. Дунё борки, Марказий Осиё халқлари бир-бирлари билан қуда-анда, , бир-бирларига чуқур инсоний ҳурмат ила эҳтиром билан муносабатда бўлганлар. Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё бизларнинг умумий ватанимиз. Бу ўлкани қадим замонлардан бери Туркистон деб атаб келганмиз. Биз шу ўлкада яшаб ижод қилаётганимиздан бир умр фахрланамиз. Мен шу ўлканинг оддий бир фахрийси сифатида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Ўзбекистонимизнинг обрў эътиборини бутун жаҳонга таратаётган ҳурматли Президентимизга минг-минг ташаккурлар айтмоғимиз зарур. Президентимизнинг ажойиб ифодасича Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос ривожланиш йўли бор. Шунинг учун ҳам унинг келажаги буюк деб баралла айта оламиз.

Президентимиз Марказий Осиёдаги барча халқларнинг бузилмас дўстлиги ва метиндек биродарлигининг энг ишончли ва доно ҳомийсидир. Масалан, Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мўътабар минбаридан туриб Тожикистон ҳақида ҳам жуда яхши сўзлар айтганлар ва Тожикистон ва умуман Марказий Осиёнинг келажаги тўғрисида ойдин башорат қилганлар. Бугун биз Ўзбекистон фуқаролари ана шу башоратларнинг рўёбга чиқаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Дўстлик ва биродарлик Ўзбекистон раҳбарияти ва фуқароларининг энг улуғ ниятларидир ва мен кекса журналист сифатида шуни таъкидламоқчиманки, бу эзгу ниятлар албатта амалга ошаяжак.

Шавкат НИЁЗОВ,
«Овози тожик» газетасининг бош муҳаррири.

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Ўзбек ва қозоқ неча-неча асрлар давомида бир минтақада, бир яйловда тотув ҳаёт кечирган оға-ини халқлардир. Бизлар бир-биримизга қиз бериб, қиз олиб қуда-қудағай бўлган, тўйларимиз, маъракаларимиз бир-биримизнинг иштирокимизсиз ўтмаган жондош ва қондош халқлармиз. Ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг нутқида биз бир алп чинорнинг бутоқларимиз,деб бежиз айтмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқиндагина бўлиб ўтган сессиясида Туркистон халқларининг чинакам қон-қардошлиги ўзининг аниқ ва равшан ифодасини топди. Ҳақиқатан ҳам дастурхонимиз бир бўлган, яйловимиз туташган, бозоримиз ва мозоримиз ҳам бир бўлган халқлармиз. Биз Марказий Осиё халқлари бундан буён ҳам бир-биримиз билан яқин алоқа боғлаб ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ва адабий алоқаларни ривожлантирсак минтақамиз буюк бир давлатга айланади ва гуллаб-яшнайди. Қадим замонлардан буён давом этиб келаётган дўстлигимиз ва иноқлигимизни янги мазмун билан бойитсак, улуғ мақсадларга албатта эришувимиз борасида ойдин йўллар очилади. Шу боисдан ҳам Президентимиз ўз нутқида буюк бир Туркистон ўлкасининг тақдирини, шу ўлкада яшаётган туғишган халқларнинг келажагини, орзу-умидларини амалга оширишнинг бирдан-бир йўли кенг кўламда алоқа боғлаш, иноқ ва тотув яшаш эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Бу борада айниқса, ёзувчилар ва олимларимиз олдида турган вазифалар ғоятда долзарб эканлигини алоҳида уқдириб ўтди. Бу ҳақ гап. Кейинги йилларда ижодкорларимиз ўзи ўзи билан овора бўлиб, ижодий алоқаларда сусткашлик қилмоқдалар. Ўтган алломаларимизнинг анъаналарини шу кунларда янги мазмун, янги қирраларда давом эттирадиган пайт етиб келди. Мухтор Ауэзов билан Ойбек, Ғафур Ғулом билан Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев билан Миртемир, Иззат Султон билан Муҳаммаджон Қоратоевларнинг ижодий алоқаларини давом эттиришимизга нималар тўсқинлик қилмоқда? Айтиш мумкинки, ҳеч нарса. Ҳаёт ва турмуш бизлардан бу алоқаларни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Эндиликда ўралашиб қолган қобиғимиздан чиқиб, Туркистоннинг келажагини яратиш борасида садоқат билан меҳнат қилишимиз керак. Олжас Сулаймонов билан Эркин Воҳидов, Туманбой Мўлдағалиев билан Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов билан Мухтор Шаханов ва бошқалар жўшиб куйлайдиган замон келди.

Туркистон халқларининг йўли нурли эканлиги бугунги кунда равшан кўринмоқда. Бу нурлар сержилва товланишида ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб иноқ меҳнат қилишимиз керак.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
«Нурли жол» газетасининг бош муҳаррири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти кенгашининг раиси.

ДАРЁМИЗ БИР, СУВИМИЗ БИР

Мана салкам эллик йилки, Тошкентда яшайман. Оилали бўлдик, ўғил-қизлар ўстириб, бугун набираларимиз қўршовидамиз. Санъаткор сифатида туғилган юртим Чимкент томонларга ижодий сафарларга, ҳам ота маконни зиёрат қилишга борганимда бот-бот кўнглимдан ўтарди. Асл ҳақиқат битта — бу буюк ўлка Туркистон халқлари бир-биридан айри яшаб ўрганмаган. Иқтисодиётни, сиёсатни қўяверинг, санъат соҳасида ҳам дилдош яшаган. Ахир тўйи бир, азаси бир, дарёсию суви бир бўлган қондош халқлар қандай қилиб айри яшасин. Назаримда, Туркистоннинг гуллаб-яшнаши, бу улуғ боғда ҳофизлар хонишию созлар жарангига асос бирлигимиз, ҳамфикр, ҳамкорлигимиздадир.

Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан артист.

Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Ислом КАРИМОВ.

Мулоҳаза

ТАРИХ СИНОВЛАРИ

Қадимий Марказий Осиёда чуқур тарихий даврларданоқ ягона тизимга алоҳида аҳамият берилганлиги маълумдир. Чунки у тараққиётни ва фаровон ҳаётни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, қудратли давлатларни юзага келтирган. Масалан, Кушонлар (I-IV аср), Эфталитлар (V-VI аср), Турк хоқонлиги (VI-VII аср), Сомонийлар (X аср), Қорахонийлар (XI-XII аср), Хоразмшоҳлар (XII-XIII аср бошлари), Темур ва темурийлар давлатлари шулар жумласидандир. Кўрсатилган кўп асрлик даврларда ягона тизимнинг ташкил топишида карвон йўлларининг тутган ўрни катта аҳамият касб этган. Ўргимчак инлари сингари шаҳарларни, қишлоқларни, чўлу-биёбонларни, тоғу тошларни, азим дарё ва денгизларни қамраб олган карвон йўллари бўйлаб ҳар йили ўн минглаб туяларда ва отларда турли-туман тайёр ва хом ашё маҳсулотлари ташиб турилган. Улар бамисоли ҳозирги кўз ўнгимиздаги поездларни, автомашиналарни ва кемаларнинг ўрнини босган. Карвон йўллари минтақани бир қатор хорижий мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон, Эрон, Хитой, Туркия, Арабистон ва Россия сингари мамлакатлар билан боғлаб турган.

Хуллас, ягона тизимсиз ҳаётни тасаввур этиш мумкин бўлмаган. У ҳукм сурган вақтлардагина тинчликни, барқарорликни ва фаровон ҳаётни таъминлаш имкони туғилган. Шунинг учун ҳам ақл-идрокли давлат арбоблари ягона тизимни ташкил қилишни муқаддас бурч деб билганлар. Улар карвон йўлларида қулай шароитни яратишга ва хавфсизликни таъминлашга алоҳида муносабатда бўлганлар. Бу борада Амир Темурнинг тутган сиёсати диққатга сазовор. «У — деб ёзган эди Иброҳим Муминов, — Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган ва у ерлардан Ўрта Осиё орқали ўтадиган, тарихда Ипак йўли деб аталмиш халқаро йўлнинг барча асосий трассаларини эгаллаб, бу ерда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўрди ва Машриқ ҳамда Мағриб, яъни Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларининг ҳар томонлама ривожланишига ғоятда катта аҳамият берди».

Натижада Марказий Осиёнинг барча жойларида маҳаллий ва хорижий моллар билан савдо қилиш кенг кўламда ривожланди. Бу деҳқончиликнинг ва ҳунармандчиликнинг изчил ўсиб боришини таъминлаш билан бир қаторда меҳнат тажрибасининг алмашинишида ва такомиллашишида муҳим ўрин эгаллади. Буюк бобомиз Амир Темур замонида ягона тизимнинг йўналтирувчи кучи — карвон йўлларининг хавфсизлиги тўла таъминланди. Унинг даврида ягона тизим ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди. Соҳибқирон уни қаттиқ назорат остида ушлаб турди. Шунингдек у ягона маънавий муҳитни таъминлашга муваффақ бўлди. Авваламбор у мўғуллар ҳукмронлиги даврида анча сиқиб қўйилган ислом динининг ривожланишини таъминлади. Айни бир пайтда барча халқ ва элатларга бир хилда қўлланиладиган қонунлар (тузуклар)нинг жорий этилиши ягона маънавий муҳитнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу равишда динни ва давлатни белгиланган қонун - қоидалар асосида бошқариш ягона маънавий муҳитнинг таркибий қисми сифатида гавдалантирилган эди. Амир Темур томонидан фан ва маданият соҳаларининг ҳам ягона тизим доирасида ривожлантирилиши ўз самарасини берган эди.

Темур ва темурийлар даврида ягона иқтисодий ва маънавий муҳитнинг ташкил топиши мўл-кўлчиликка ва тўкинликка олиб келди. Бунинг жонли гувоҳи бўлган испан элчиси Клавихо шундай ёзади: «Самарқанд ҳамма нарсага бой: ғалла ҳам, вино ҳам, мева-чева ҳам, паррандалар ҳам, ҳар хил гўшт ҳам мўл-кўл. Бу ернинг қўйлари йирик-йирик, думбалари катта. Думбаси 20 фунт келадиган қўйлар бор. Бунчалик оғир юкни одам қўлда зўрға кўтара олади. Қўйлар кўп арзондир. Бошқа моллар ҳам арзон... Ғалла жуда ҳам арзон, шоли эса ошиб-тошиб ётади. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўкин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас... Шаҳарнинг бойлиги фақат озиқ-овқат билан ўлчанмайди, балки бу ерда ипак, атлас, камоканье, сендал, шойи каби матолар кўплаб тўқиб чиқарилади, мўйна ва ипакдан астарликлар, турли хил сўғичлар, зираворлар, шунингдек тилларанг ва зангори бўёқлар ва ҳоказо бошқа моллар кўпдир».

XVI-XIX асрнинг 60-йиллари мобайнида Туркистон ўлкаси Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларидан иборат уч қисмга парчаланган бўлса-да ягона иқтисодий ва маънавий тизим ўз йўлида давом этаверди. Бироқ ўзаро урушлар унинг изчиллик билан ривожланишига тўсқинлик қилди. Шунга қарамай ягона тизим доирасида минтақадаги турли халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маънавий алоқалари ўз аҳамиятини йўқотмади. Бу вақтларда ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ерларида ҳукм сурган ягона иқтисодий ва маънавий муҳитнинг моҳияти ва йўналиши умумий манфаатларни қондиришга қаратилган эди. Ўзбекистон кўпроқ турли-туман ип ва ипак газламалар, кийим-кечаклар, пойабзаллар, заргарлик ва уй-рўзғор буюмлари, эгар-жабдуқлар ва бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган эди. Шунингдек, хилма-хил ноз-неъматларни тайёрлаш кенг қулоч ёйган. Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонда эса чорвачилик маҳсулотлари, туя ва отлар, озиқ-овқатнинг айрим турлари сероб бўлган. Булардан ташқари бу жойлар орқали карвон йўллари турли томонларга таралиб кетган эди.

Минтақадаги Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган, Термиз, Урганч, Хива ва бошқа шаҳарлар йирик савдо-сотиқ марказлари ҳисобланиб, улар Авлиёота, Мироқи, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Ўш, Тўқмоқ, Бишкек, Хўжанд, Ўратепа, Қизил Ўрда ва бошқа жойлар билан савдо қилишган. Умуман айтганда, ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, тожиклар ва қирғизлар тарихан шаклланган ягона сиёсий, иқтисодий ва маънавий муҳит доирасида меҳнат ва ҳамкорлик қилдилар. Аммо, Чор ҳукумати даврида ўлканинг хом ашё манбасига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши ягона тизим моҳиятини ва йўналишини ўзгартириб юборди. Ягона тизим мустамлакачилар манфаатларига бўйсундирилди. Совет даврига келиб аҳвол мисли кўрилмаган даражада ёмонлашди. Зеро, хусусий мулкчиликнинг, эркин ишлаб чиқаришнинг, савдо-сотиқ ва нархнинг таъқиқланиши ягона тизимнинг мустамлакачилик хусусиятларини ниҳоятда ошириб юборди. Қалбаки «социализм тузуми»га асосланган ягона тизим минтақани Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирди.

Қизил империя билан бирга қалбаки ягона тизим ҳам парчаланди. Мустақиллик шарофати билан республикаларда ҳаётга тадбиқ қилинаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар янги ягона тизимни шакллантиришга замин ҳозирламоқда. Бу тизим минтақадаги барча халқларнинг миллий манфаатларини, хусусан мустақилликни ва тараққиётни таъминлаши турган гап. Бироқ совет тузумининг аянчли асорати орқасида минтақада ягона сиёсий, иқтисодий ва маънавий муҳитни юзага келтириш оғир кечмоқда. Шунга қарамай Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий тизим хусусидаги тузилган битим муҳим воқеа ҳисобланди. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясидаги маърузасида кўтарган ташаббуси Туркистон ўлкасида ягона тизимни бунёд этиш заруриятини яна бир бор юқори босқичга кўтариб, доирасини кенгайтиришга даъват этади.

Шунингдек, Президентимизнинг минтақада ягона маънавий муҳитни шакллантириш ҳақидаги фикри шу куннинг талабидир. Шубҳасиз, асрлар мобайнида тарих синовидан ўтган ва ўлка халқларининг умумманфаатларини акс эттирувчи сиёсий, иқтисодий ва маънавий муҳит юзага келиб ўз самарасини беради.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

ЧЎПОН ЧЕГАРА БИЛМАС

Мен чўпонман. Эсимни танибманки, қозоқ ҳамкасбларим билан бирга, ёнма-ён сурув ҳайдайман. Яйловимиз бир, сувимиз бир — сеники-меники деган гап йўқ. Сурувларимиз қўшилиб, қўйларимиз аралашиб кеттан дамлар ҳам бўлган. Чунки чўпон-чўлиқ ҳеч қандай чегарани тан олмайди. У ҳамиша сарҳадсиз кенгликларга, ҳудудларга интилади. Бинобарин, кенгликларни хуш кўрадиган инсонлар тинчлик, аҳиллликни ҳаммадан кўпроқ қадрлайдилар, деб ўйлайман. Шу боиски, қозоқ ҳамкасбларимиз билан ҳамиша аҳил ва иноқ, қўлни-қўлга бериб яшаб келаяпмиз. Худога шукур, рўзғоримиз бут, дастурхонларимиз тўкин. Менимча, бу маъмурчилик халқларимиз ўртасидаги азалий аҳиллик мевасидир.

Биз Туркистон халқлари ўртасидаги қон-қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашимиз, минг йиллар мобайнида қарор топган биродарликни янада эъзозлашимиз даркор. Унга, бу муқаддас анъаналарга зарра раҳна солмаслик ҳар бир виждонли киши учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Бу фикрни қозоқ ва қирғиз, тожик ва туркман ҳамкасбларим ҳам тўла қўллаб-қувватлашлари шубҳасиз. Чунки чўпон сўзини чўпон тушунади.

Абрал ЖУМАШЕВ,
Жиззах вилояти Фориш туманидаги Мусоқул Оролов номли ширкатлар бирлашмаси бош чўпони.

АЗИЗ ВА САХОВАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркор" акционерлик-тижорат банки ва "Наврўз" хайрия жамғармаси Сизни улкан хайрия ҳашарида қатнашишга чорлайди.

"Наврўз-95" хайрия лотереяси ана шу ҳашарнинг рамзий белгисидир!

Лотереяда
1 та
1 000 000 сўмлик;
5 та
500 000 сўмлик;
5 та
250 000 сўмлик;
10 та
100 000 сўмлик
ва бошқа катта ютуқлар бор.

Тадбиркор ва саховатпеша кишиларнинг кенг қатнашувига имкон яратиш мақсадида ютуқлар тиражи 30 май 1995 йилгача узайтирилди.

ЛОТЕРЕЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Энг кўп лотерея сотиб олган юридик шахслар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган.

"Ўзтадбиркорбанк" ва "Наврўз" жамғармаси

СИЗНИ КАТТА ЮТУҚ БИЛАН

олдиндан қутлайди!

ПОЛЬША САВДО КОМПАНИЯСИ
доимий равишда
IV ва V турдаги олий ва I-навли

ПАХТА ТОЛАСИ СОТИБ ОЛАДИ

Бизнинг манзил:
EXPORT IMPORT TRADING
"EUROTAXPOL" S.C.

80-952 ГДАНСК: ПОЛЬША, ФИЗЕРА кўчаси 14/227.

Тел. (104858) 47-17-49.
Тел/факс: (104858) 47-22-29.

ТАНИШИНГ: ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ!

Катта байрамнинг қувончлари ҳам катта бўлар экан. Маълумки, Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида Узбекистон Давлат Телерадиокомпанияси ҳамда «Узбекистон овози» газетаси ҳамкорликда «Мардлик мангулик» танловини эълон қилган эди.

Қутлуғ кунда танлов жюри ҳайъати салкам уч ой давом этган ижодий беллашувга якун ясади. Уруш ва уша даҳшатли йилларнинг бутун азоб-изтиробларини кўриб, Ғалаба дея аталмиш музаффар байроқни елкаларида кўтарган халқимизнинг фидойи фарзандлари ҳаёт-фаолияти акс эттирилган асарларга муносиб баҳо берилди.

Узбекистон Телерадиокомпаниясининг «Ёшлик» таҳририяти ижодкорлари Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб тайёрлаган «Ёшлик» видеоканали, «Фахрийлар — фахримиз», «Бир ўлкаки...», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» туркум кўрсатувлари ҳамда Узбекистон радиосида эълон қилинган «Меҳринг билан яшаймиз Ватан», туркум эшиттиришлари учун

БИРИНЧИ МУКОФОТ берилди.

Ёзувчи Фарида УСМОНОВАнинг «Она бағри» телеспектакли ҳамда шоир Салим АШУРнинг «Узбекистон овози» газетасида эълон қилинган «Жовли бобо. Унг оёқнинг ҳаёт йўли» балладаси

ИККИНЧИ МУКОФОТГА сазовор бўлди.

Узбекистон телевидениесининг «Тошкент» таҳририяти ижодкорлари тайёрлаган «Ёдингдами, дўстим?» публицистик кўрсатувлари, шоир Абдулла Шернинг Ўзбекистон радиосида берилган «Аср ўртасидаги фарёд» достони ҳамда журналист Миршароф МУҲСИМОВнинг «Узбекистон овози» газетасида эълон қилинган «Улимларга тик боқиб» очерки учун

УЧИНЧИ МУКОФОТ берилди.

Шунингдек, жангчи-журналист Раҳматилла ИСҲОҚОВ («Қаламлари найзадек эди» мақоласи учун), суратчи-журналист Абдувоҳид ТУРАЕВ («Одамлар... Суратлар...» туркум суратлари учун), журналист Саттор ҚОРАБОЕВ («Хотиралар алдамайди» лавҳаси учун»), УзХДП Марказий Кенгашининг матбуот маркази (байрамолди тадбирларини мунтазам ёритганлиги учун), шоир Рустам ҒАНИ («Йиллар ва йўллар» туркум эшиттиришлари учун), Баҳодир АБДУЛЛАЕВ («Тақдир» теленовелласи учун), журналистлар Рўзмат МАДАТОВ ва Абдурашид НУРМУРОДОВЛАР (Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган туркум кўрсатувлари учун) эса

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ соҳиби бўлдилар.

Кўп йиллардан бери уруш мавзусида қалам тебратиб келаётган адиблардан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим РАҲИМ ва Зоҳиджон ОБИДОВларга танловнинг махсус мукофотлари берилди.

ТАШКИЛОТ СОТИБ ОЛАДИ:

— Дастгоҳлар /янги ёки ишлатилмаган/;
— координатли йўнувчи;
— токарлик;
— фрезерлик;
— пармалаш;
— гильотинлар /жоду/.

ШУНИНГДЕК:

— В-800 мм. транспортёр лентаси;
— механик юк кўтаргич /кўлда/;
— ВДМ-100/УЗ пайвандлаш тўғрилагичи;
— ВД-20/УЗ пайвандлаш тўғрилагичи;
— ВЦП 6-45 №8 парраги;
— ВЦ 4-76 №10 парраги;
— ЦНС-60-250 насос тўплами;
— 1136-В2 турдаги оддий ҳаракатланувчи бир босқичли ҳаво поршенли кўчма компрессор.

Воситачилар /жисмоний ва юридик шахслар/ хизмати учун ҳақ тўланади.

Телефонлар: соат 8^00 дан 17^00 гача 93-08-47, соат 18^00 дан 21^00 гача 67-20-79.

САХОВАТ

Акмал Икромов туманининг тўрт минг аҳоли истиқомат қилаётган Ғафур Ғулом номли маҳалласи қариялари фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги ва Қурбон ҳайити байрами кунлари 137-мактаб залида тўпландилар.

Йиғилганлар мазкур маҳалладан урушга қатнашиб, жанг-гоҳларда мардларча ҳалок бўлган ўнлаб маҳалладошлари номини ёдга олишди. Мустақил давлатимизнинг тараққиётида доно маслаҳатлари, камтарона фаолиятлари билан иштирок этаётган уруш фахрийларини байрам билан муборакбод этишди.

«Улуғбек» хусусий кичик корхонаси саховат кўрсатиб, Рўзимат ота Холиқназаров, Назирхўжа Алихўжаев, Садир Султонов каби уруш қатнашчиларининг ҳар бирига қимматбаҳо совғалар улашди.

Адиба ҒОЙИБОВА.

Чирчиқ шаҳри - 60 ёшда

ШАҲАРЛАР БОҚИЙДИР, УМР ЎТКИНЧИ...

Гўзал ўзбек диёрида буюк бобокалонимиз Бобур Мирзо пойқадами теккан Чирчиқ шаҳри ҳам бор. Остонаси кўм-кўк, мовий осмонида поклик, тозалик, барҳаётлик барқ уриб турган Чирчиқ дарёси бу маскандан кесиб оқиб ўтиб Сирдарёга қуйилади. У ердан эса водий суви билан бирлашиб, биргалашиб оқади... Чанқоқ қалблар қанчаси сув ичади...

Назаримизда, бу азим дарё ҳар бир келувчига пок, яхши ниятли чирчиқликларнинг қалбини кўрсатувчи кўзгу бўлса, дарё куприги қалбларни пайванд қилгандек. Биз бу ерда бўлганимизда катта тўй ташвиши билан юрган шаҳар ҳокими Дониёр Тошхўжаевични учратдик.

Яқинда республика Вазирлар Маҳкамаси Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллигини май ойида ўтказиш юзасидан қарор чиқарган эди, — деб гап бошлади у. — Хушхабарнинг қанотига бор деганларидек бу янгилик, ҳар бир чирчиқликлар қалбини тўлқинлантириб юборди. Тўй тараддудида қатнашаётган ҳар бир фуқаронинг белига қувват, ғайратига ғайрат қўшди.

Бу сўзларни у атиги тўртбеш кун олдинроқ гапирган эди. Тўй хабари баҳор ҳавосига қўшилиб ўзича бир ажиб гўзалликни яратган эди. Бугун эса тонгдан карнай овозаси, сурнай навоси оламни тутган — Чирчиқда тўй!

Ҳозир Чирчиқ шаҳрининг аҳолиси 149,2 минг киши. Кўп миллатли бу ерда ўзбек, урис, қозоқ, татар, қисқа қилиб айтганда 70 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Шундай бўлишига қарамасдан улар бир мақсад йўлида, шаҳарнинг равнақи-истиқболи йўлида иноқ ва аҳил бўлиб яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар.

Чирчиқ мамлакатимизнинг йирик саноат шаҳарларидан бири.

«Электрокимё», «Чирчиққимёмаш», «Чирчиққишлоқмаш», «Трансформатор», Узбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ металлар комбинати, Тошкент самолётсозлик заводи филиали, гишт заводлари, қурилиш-монтаж трестлари, асфальт-бетон заводлари каби ўнлаб корхоналар бугун мамлакатимиз қудратига-қудрат қўшмоқда. Шаҳарда яна нон ва сут заводлари ҳам бор. Кўплаб автобазаларни шаҳар қон томирини юритувчи десак бўлади.

Чирчиқда 280 дан ортиқ кўчалар мавжуд. Истиқлол туфайли шаҳар кўчалари Амир Темур, Бобур, Нодира, , Улуғбек, У. Носир, Чўлпон, Ш. Рашидов каби буюк юртимиз фарзандлари номларига қайта қўйилди.

Қувонарлиси, янгилик куртаги бўлиб катта ва улкан заводлар қаторига 400 дан ортиқ кичик, қўшма, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар қўшилди. Улар айни кунларда юксак унум билан фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарда даромадлар ошмоқда. Натижада бозорларимиз халқ истеъмоли моллларига тўлиб, мўл-кўлчилигимизнинг замини — рақобат юзага келаётганига гувоҳ бўлдик. Шу тариқа давлат тасарруфида бўлган корхоналарни ҳам мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Одамлар онгида мулкка ҳақиқий эгалик руҳи сингиб бормоқда.

Истиқлол шарофати туфайли Чирчиқ шаҳрига халқимизнинг миллий анъаналари аста-секин кириб кела бошлади. Буюк бобокалонларимиз Навоий, Бобур каби алломаларимизга ҳайкаллар ўрнатилди. Шаҳарда миллий безаклар билан безатилган чойхоналар, автобус бекатлари, боғлар ва бошқа масканлар пайдо бўлди. Узбекона руҳдаги кўркам савдо расталари қурилмоқда. Марказий бозор миллийлик асосида қайта қурилди. Бозор олдидаги Ш. Рашидов кучаси янгича чирой касб этди.

Шаҳарда ўзбек тилида «Чирчиқ» рўзномаси бир неча минг нусхада чоп этилмоқда. Давлат муассасаларида, завод-фабрикаларда, мактаб, боғча, алоқа ва почта хизматларида, банк, соғлиқни сақлаш ва барча муассасаларда ҳужжатлар давлат тили — ўзбек тилида расмийлаштирилмоқда. Заводларда чоп этиладиган рўзномаларда ўзбек тилини ўрганиш учун дарслар ташкил қилинган.

Тилга эътибор — элга эътибор, деганларидек, давлат тилини ўрганаётган Оврўпо миллатлари вакиллари халқимиз ҳурматига сабаб бўлмоқда, уларнинг меҳнати улуғланмоқда. Шундайлардан бири шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Будаев оддий ишчидан ҳозирги лавозимигача кўтарилди. У ўзбек тилида ҳам соф гапиради.

Чирчиқда Тошкент кимё-технология ҳамда Тошкент политехника институтларининг филиаллари, индустриал техникум, тиббиёт билим юрти, бир қанча ҳунар-техника билим юртлари мавжуд бўлиб, бу масканларда келгусида халқимизга муносиб хизмат қиладиган ёш мутахассислар тайёрланмоқда.

Юртбошимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ керак», деган ибратомуз сўзларидан илҳомланган шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев кечаю кундуз тиним билмайди. У Чирчиқни янада кўркам, гуллаб-яшнаши учун бутун эътиборини кўчалар ободончилигига, турли иморатлар қурилишларига, боғлар барпо қилишга, миллий анъаналаримиз кириб келишига, шаҳарнинг 60 йиллик тўйи тайёргарликлари арафасида, айниқса бутун борлиги билан шунгиди. Барча ишларга ўзи бош-қош.

Чирчиқнинг 60 йиллик тўйи гуллар билан бурканган пайтда нишонланяпти. Бунда ҳам қандайдир рамзийлик бор. Чунки бу тўйлар-тўйга уланиб кетмоқда. Чирчиқ қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгармоқда.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Ҳаётулло ИСОҚОВ.

«ПОСТДА» ВА «НА ПОСТУ» ГАЗЕТАЛАРИ 65 ЁШДА

Халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифани уддалаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Постда», «На посту» газеталари 65 ёшга тўлди.

65 ёш... Тарих олдида бир қатрадек гап. Аммо 1930 йилдан бошлаб ички ишлар ходимлари фаолиятининг солномачисига айланган мазкур нашрлар жиноятчиликка қарши курашнинг илҳомчилари бўлди, дейиш тўғри бўларди. Газеталар бош мақсад — қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун жонларини фидо этиб курашаётган ички ишлар ходимларининг фидокорона меҳнатини ёритди. Ёт иллатларни фош этувчи ўткир мақола, очерк ва репортажлар мунтазам бериб борилди. «Постда» ва «На посту» газеталарининг республикада қабул қилинган янги Қонун ҳамда фармонларни кенг тарғиб ва ташвиқ этишда улкан ҳиссаси бор.

Республикамиз мустақил бўлиб, жамиятда бозор иқтисодиёти шароитига ўта бошлаган дастлабки кезларда ўз манфаатларини ўйловчи айрим нопок кимсалар бошқарув тизимининг баъзи мўрт нуқталаридан фойдаланиб, мўмай бойлик орттириш илинжида уюшган ҳолда жиноят содир эта бошладилар. «Мафия», «рекет», номи билан иш кўриб халқ тинчлигини бузаётган бу гуруҳларни тугатишга қарши мазкур газеталарнинг ижодкорлари милиция ходимлари билан ёнма-ён туриб курашяптилар.

Биз мазкур рўзномалар ижодий жамоаларини қутлуғ кун билан самимий қутлаймиз. Юртимиздаги барқарорлик ва осойишталикни сақлаб турган ички ишлар ходимлари билан ҳамкору бақамти фаолиятларига омадлар тилаймиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАҲРИРИЯТИ.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

МУДДАО — ЭЛ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ

Юртимизда барча соҳада ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақиқатдан кўз юммаган ҳолда шуни айтиш керакки, ҳали нав-ниҳолга қиёс этгулик ёш давлатимиз иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда замонавий иш услубларини қўллаяпти. Тадбиркорларга, ишбилармонларга кенг йўл очиб берилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш, имкониятлар қамровини оширишда ҳукуматимиз кўмагини аямаяпти.

Шарқ дарвозаси — Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида ҳам тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу сафда кўпни кўрган, тажрибали ҳамшаҳарларимиздан тортиб, ғайратли ишбилармон ёшлар ҳам бисёр. Биз Тошкент тадбиркорларининг кекса авлодига мансуб, савдо соҳаси фахрийси, пиру бадавлат отахон Содиқ ака Исҳоқов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Халқнинг хизматида ва ташвишида бўлган инсонни эл ҳамиша эъзозлайди, қадрини баланд кўтаради. Содиқ ака Исҳоқов ҳам ана шундай эл орасида эъзозли инсон. Гарчи у 40 йилга яқин савдо соҳасида ишлаган, турли вазифаларда фаолият кўрсатган бўлса-да, ўз номига нолойиқ фикр эшитмаган, аксинча, доимо эл хизматида бўлган. Ҳаётда энг тўғри йўл — ҳалоллик,- деган эди бир қария,— эслайди Содиқ Алиевич.— Худога шукр, шу йўлдан чекинмадим. Аммо беайб парвардигор, савдо соҳасида ишлаш, одамлар хизматида бўлиш, уларнинг ҳожатини чиқариш осон иш эмас. Ахир, кўпчилик-кўпчиликда. Баъзан шундай бўладики, бирор кимсанинг ёки эҳтиёжманднинг ҳожатини олайлик, ўн марта чиқарсанг-у, бироқ бир марта иложсизлик ёхуд бошқа бир ўринли сабаб билан унинг илтимосини адо этолмасанг ўшанда барча ибодатинг — бир пул. Ҳаётда, айниқса савдо соҳасида бундай ҳолатлар баъзан учраб туради.

Содиқ ака кўп йиллар Мирзо Улуғбек тумани озиқ-овқат савдоси идорасига раҳбарлик қилди. Не-не савоб ишларга қўл урди, ҳожатбарор савдо ходими сифатида элга танилди. Оилада турмуш ўртоғи билан олти нафар қизни тарбиялаб вояга етказди. Бугунги кунда Мавжуда, Шоира, Марғуба, Маҳмуда, Шоҳида ва Малоҳатлар — ҳар бири олий маълумотли, турли соҳаларда фаолият кўрсатишяпти. Уларнинг бири ўқитувчи, бири шифокор, яна бири иқтисодчи хуллас, эл-юрт ишига камарбаста. Содиқ аканинг кўп йиллик тажрибаси, раҳбарлик иқтидори ва салоҳияти бугунги бозор иқтисодиёти даврида ҳамма соҳада ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётган бир пайтда, айниқса, қўл келаяпти. У айни чоғда тумандаги 70-сон «Чимён» савдо-ишлаб чиқариш жамоа корхонаси етакчиси. Ҳозир жамоада 72 нафар киши ишлайди. Ҳар бири бир олам. «Чимён» савдо-ишлаб чиқариш жамоа корхонасида таъбир жоиз бўлса, давр билан ҳамқадам иш олиб борилмоқда. Аввало аҳолини озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлаш, намунали савдо хизмати кўрсатиш, дўкон пештахталарини сархил моллар билан тўлдириш кун тартибидаги долзарб вазифа эканлигини ҳар бир аъзо ҳис этиб иш олиб боряпти. Корхона таркибида 4 та дўкон ишлаб турибди. Дўконларнинг 3 таси аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари сотишга йўналтирилган бўлса, яна битта дўкон мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилади. Ҳозир туманнинг Ялангоч мавзесидаги «Умид» маҳалласи аҳолиси «Чимён»чилардан миннатдор. Негаки, бу ерда намунали савдо хизмати ташкил этилган. Маҳсулотлар сифатли, сархил, баҳоси ҳам бошқа жойларга қараганда анча арзон. Айниқса, ушбу маҳаллада Ғалаба байрами ва Қурбон ҳайити кунлари савдо хизмати қизигандан қизиди. Кам таъминланган айрим оила аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийларига совға-саломлар улашилди, моддий ёрдам берилди.

Дарвоқе, корхона аҳлининг бугунги режалари ҳам талай. Содиқ аканинг айтишича, корхона қошида ҳадемай новвойхона, қандолат ва балиқ дудлаш цехлари иш бошлайди. Макарон маҳсулотлари тайёрлаш цехи фаолият кўрсатади.

Алқисса, «Чимён» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси эзгу ниятлар билан меҳнат қиляпти.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!

КЎКНОРИХАЁЛ АЁЛЛАР

Биз энг муътабар ва мукаррам санаган баъзи аёлларимиз томонидан жиноятлар содир этилаётгани опа-сингилларимиз шаънига доғ тушираётир.

Минг афсуслар бўлсинким, XX аср вабоси саналмиш СПИДдан кам бўлмаган хавф солувчи иллат — гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлган, бу йўлда мумай пул ишлашга ружу қўйганлар орасида аёллар, қиз-жувонлар номлари ҳам тез-тез учраб туради...

Яқинда Термиз шаҳар темир йўл бекатида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар маҳалида «Душанбе — Москва» поезди йўловчилари текшириб кўрилди. Душанбе шаҳри Қорабоев кучасида яшовчи Исмоилова ва унинг россиялик дугонаси Жигулиналарнинг ёнидан нақд 1 кило 200 грамм қорадори гиёҳвандлик моддаси топиб олинди.

Андижон шаҳар темир йўл бекатида гумонсираб ушланган «Андижон—Москва» поезди йўловчиси Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида яшовчи, ишламайдиган Қасамирхонованинг ҳам ёнидан 2,5 кило ўта хавфли қорадори гиёҳвандлик моддаси топилди. Марғилон темир йўл бекатида ўз сафарини ниҳоясига етказган Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида яшовчи Ҳамроқулова 700 грамм кўкнорини нима қилар экан, деб ўйларсиз? Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, салкам 40 ёшли мунис онахон бу кўкнорини ўзи истеъмол қилади ёки гумашталарига мумай пулга пуллайди. Чунки буни дастлабки тергов натижаларига кўра унинг ўзи айтганидек, тенгдоши Назировадан сотиб олганлиги ва қўлаверса, ўйидан топилган 1,5 кило кўкнори исботлаб турибди.

Андижондан арзон олиб, Тошкентга қиммат сотишга келаётган бу аёлнинг қилмиши туфайли калаванинг учи топилди. Ички ишлар ходимлари энди унинг гумашталари ишига ҳам нуқта қўйишади.

«Қўнғирот — Тошкент» поездининг яна бир нозанин йўловчиси ўзининг нозик юки туфайли Самарқандда тухтаб ўтишга мажбур бўлди. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида яшовчи Файзунова деган аёл шу ерда ўзининг 1 кило 200 грамм қорадорисидан ажралиб қолди. Бу опахондан қолишмаган 45 ёшли кайвони, чеченистонлик меҳмон Ҳожиева ҳам 1,5 кило қорадориси туфайли панжара ортига тушди.

Салкам эллик ёшни қоралаган, келин олиб набира суядиган даврида 500 грамм қорадори билан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё темир йўл бекатида қўлга тушиб ўтирган онахонни бу ишга қўл уришга нима мажбур қилди экан?! Ички ишлар ходимлари ҳануз шунга ўхшаш саволларга жавоб тополмасдан овора.

Энг ёмони шуки, айрим енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юришга одатланганлар буни баъзида иқтисодий қийинчиликка йўйишади. Бола-чақа боқиш керак-да, деб узларини алдайдилар. Йўқ. Бунга муроса қилиб бўлмайди.

Гиёҳвандлик моддалари билан қўлга тушган ҳар бир киши хоҳ у аёл бўлсин, қаттиқ ва шафқатсиз жазога маҳкумдир. Бунда ҳеч қандай шикоятга урин бўлмаслиги керак. Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари ходимлари томонидан фош этилаётган ҳар бир жиноий ҳатти-ҳаракат, айниқса гиёҳвандлик жиноятлари прокуратура ва суд органлари томонидан одилона кўриб чиқилади ва айбдорлар қилмишига яраша жазо олади.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

Спорт

МУХЛИСЛАР КУТГАН УЧРАШУВ

Бугун олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 8-тур ўйинлари бошланди.

Мухлислар бугун ўтказиладиган учрашув қандай бўлишига кўп ҳам эътибор қилишмаяпти. Боиси, эртага ишқибозлар орзиқиб кутган энг қизиқарли учрашув бўлади. Мамлакат чемпионлари — Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари узоқ йиллар мобайнида ишқибозлар фахри бўлиб келган «Пахтакор» жамоасини қабул қиладилар. Қизиғи шундаки, мавсум бошидан буён ягона пешқадам бўлиб турган фарғоналик футболчилар 7-учрашувни «Политотдел» майдонида ўтказиб, яна бир ғалабага эришган ҳолда 21 очко билан мавқеларини мустаҳкамлашди. Пахтакорчилар ҳам кейинги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мухлисларни қувонтиришмоқда. Улар навбатдаги учрашувни ўз майдонларида «Машъал» билан ўтказиб, бешинчи ғалабага эришдилар, очколари 16 тага етди, Мухлислар эса маглубият нималигини билмай дадил қадам ташлаётган «Нефтчи» футболчиларининг «Пахтакор» билан учрашувда қандай маҳорат кўрсатишларини, айни пайтда азалий мавқеини тиклашга ҳаракат қилаётган пахтакорчиларнинг нималарга қодир эканликларини кўришга ошиқмоқдалар. Шунингдек, «Навбаҳор» — «Сўғдиёна», МХСК—«Темирйўлчи» учрашувлари ҳам қизғин баҳсга айланиши кутилмоқда.

ЕНГИЛМАГАН БИР ЖАМОА ҚОЛДИ

Эртага ўринбосарлар — биринчи лига жамоалари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари ўтказилади.

Ҳозир биринчи минтақа жамоалари ўртасида «Зарафшон» маглубиятсиз ўйнаётган ягона жамоа бўлиб турибди. «Зарафшон» 13 та очко билан биринчи ўринда бормоқда. Эртага бу жамоа «Истиқлол» футболчилари билан майдонга тушади. Иккинчи минтақада эса «Ғазалкент» пешқадам. Улар 15 та очко тўплашган. «Чилонзор» футболчилари «Ғазалкент» жамоасидан устун келгач, 11 очко билан иккинчи ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Чилонзорликлар эртага «Бахт» футболчилари билан куч синашадилар. «Ғазалкент» — «Гулистон» учрашувига ҳам қизиқиш катта.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 15

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
18.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Султонов концерти.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 «Ижодий учрашувлар». Зулфия.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Ҳар гиёҳ ардоққа арзир».
22.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Пахтакор».
23.30—23.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 Шифокор билан мулоқот.
19.45 «Тафсилот».
20.00 «Излаган имкон топади».
20.30 «Самарали изланишлар».
21.00—22.25 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
* * *
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».

«ОМАД» таништиради:
19.30 «Совға».
20.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.20 Жаҳон географияси.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Курьер».
23.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.30 «Постфактум».
23.40—24.00 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 13-серия (якунловчи).
19.05 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 А.И. Солженицин билан учрашув.
21.00—22.05 «Марюс». Телесериал. 1-фильм. 1-серия (Литва киностудияси).

СЕШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Метичара—денгиз жонивори». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб».
10.00 Немис тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Ўзбек мумтоз ашулалари.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 «Ҳуқуқий жамият сари».
18.55 «Шифокор бўлай дейман». Қўқон тиббиёт билим юрти — 70 ёшда.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бир асар тарихи. Ойбек. «Навоий».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мен туғилган тупроқ».
21.50 Бир жуфт қўшиқ.
22.10 «Олтин мерос». Халқ артисти Аббос Бакиров.
23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Табиат дунёси».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50—23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 «Ҳаракатда барака».
19.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.45 «Соккер-клуб».
21.30 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлида».
22.15—23.45 Бокс. Жаҳон чемпионати. Финал. Германиядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал премьераси.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55 «Марюс». Телесериал. 1-фильм. 2-серия.
22.00—22.30 «Гол».

ЧОРШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00. «Яшаш учун туғилганлар». Бадиий фильм.
9.25 «Оламни асранг!».
10.00 Алифбо сабоқлари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Соғлом авлод учун».
11.20 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар—фахримиз».
12.10 «Кашф этилаётган имкониятлар».
12.40 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
13.35 — 14.05 «Чорраҳа».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 «Ислоҳот ва масъулият».
19.10 Шеърий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.05 «Хотира». Аҳмаджон Исмоилов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.20 «Яна Фармонбиби хонадонида». Кинокўрсатув.
23.05—23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўз ҳақингда гапир...»
19.00 «Ёдингдами, дўстим...»
19.15 «Абадий ёдгорликлар».
19.45 «Диққат, репетиция!»
20.25 «Тошкент оқшомида».
21.25—23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Телефильм.
19.05 «Ўтиш даври иқтисодиёти».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
20.15—23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Миниатюра».
19.00 «Людмила Касаткинанинг йўллари».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 1-серия.
21.45 «Ривоятлар».
22.05 — 22.45 «Барча юлдузлар кабареси».

ПАЙШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Бешинчи «Б» да ўқийдиган шумтака». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Муъжизалар оламида».
10.00 Инглиз тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 Ўсмирлар учун. «Садоқат».
12.00 Шифокор экрани.
12.25—14.45 «Маърифат» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Сеҳрли мўйқалам».
18.30 «Тараққиёт».
18.50 «Санъат олами».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кекса санъаткорлар». Қутлимурод Ҳожиев.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Қорақалпоғистон.
22.10 «Олтин мерос». Мақсуд Шайхзода.
23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кунгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45—23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Спорт-тайм».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
21.15 «Безнен мирас»(татар тилида).
22.00—23.00 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Эслаб, излаб». Кўрсатувни Г.Скороходов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05—22.35 Кино асри. «Биз ҳеч қачон ўлмаймиз». Бадиий фильм (Венгрия, 1991 й.).

ЖУМА, 19

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Сакраш ҳуқуқи». Бадиий фильм.
9.35 Инглиз тили.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биологмя.
11.00 «Қувноқ созим». Глиэр номидаги республика мактаб-интернати ўқувчиларининг чиқиши.
11.35 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.05 «Гул кўп, чаман кўп».
12.35—13.05 Янги китоблар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Вазият».
18.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
19.05 «Ўзбекистон «Мерседес»лари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Баҳор мангу қолади». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов иштирокида концерт. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
23.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи».
24.00—00.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Экология ва ҳаёт».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Гўзаллик бунёдкорлари».
20.00 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
20.40—22.15 «Қотилликда айбланадилар». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
19.45 «Панорама».
20.15 «Осиё-компьютер».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Даракчи».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео — «О».
22.45 — 00.15 Футбол. Финал. УЕФА кубоги. «Ювентус» — «Парма». Миландан кўрсатилади (Италия).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
* * *
18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Муъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—21.50 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 2-серия.

ШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
9.35 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
10.15 Беҳбудий. «Падаркуш». Телеспектакль.
11.20 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телевизион фестивали ҳақида.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
12.45 «Қишлоқ ҳаёти».
13.35—14.15 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Еттига етти». Телеўйин.
18.45 «Мозийга бир назар».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нафосат гулшани». Халқ артисти Қундўзхон Миркаримова саҳналаштирган рақслар.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Тимсол» видеоканали.
23.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Табиат дунёси».
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 «Теле-ателье-шоу».
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00—18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Мусиқий меҳмонхона».
20.10 «Ҳайвонот оламида».
20.30 «Оқ соя».
21.00 Эстрада жилолари.
21.20—23.00 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Подиум».
10.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
10.50 «Келинг, бир кулишайлик».
11.20 «Булоқлар кўз очганда».
11.50—12.30 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Нон таъми».
19.15 «Рангинкамон» (тожик тилида).
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
21.00 «Дидар» (қозоқ тилида).
21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Эллада».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45—22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30—7.45 «Телетонг».
* * *
18.10 «Роҳибаларнинг оёғи ерга тегмайди». Кинокомедия премьераси (Англия).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 3-серия.
21.50 «Юракдан куйлашни хоҳлайман». Татьяна Матвеева куйлайди.
22.10 — 23.40 Футбол. Англия кубоги. Финал. «Манчестер Юнайтед» — «Эвертон». Англиядан кўрсатилади.

ЯКШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Қувноқ стартлар».
8.45 Болалар киносеанси.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш турнири. Қирғизистон—Ўзбекистон терма командалари.
12.30—14.30 «Нурли келажак». Ўсмирлар видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.30 «Мультипанорама».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Болалигим, сени соғиндим». Юлдуз Усмонованинг янги концерт дастури.
22.35 «Наштар» саҳифаларида.
23.00—23.30 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кунгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.10 «Теле-ателье-шоу».
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 «Кинонигоҳ».
14.15 — 14.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
* * *
17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.50 «Панорама».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Қирол репортажи».
23.10 «Даракчи».
23.20 Эълонлар.
23.25—01.05 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Юзма-юз».
18.30 «Деразадаги нур». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм»).
19.50 «Нима? Қаерда? Қачон?».
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.50—22.55 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 4-серия.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ ДИККАТИГА!

"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси 1995 йил 7 май куни Тўқимачилар саройида очилган доимий фаолиятда бўлган енгил саноат маҳсулотлари кўргазмасига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сизнинг диккатингизга улгуржи ва чакана нархларда кенг турдаги пахтадан тайёрланган ва ипак газламалар, замонавий кийим-кечаклар, пойабзал, атторлик, пайпоқ ва чинни корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, тикув иплари

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

Бундан ташқари, қандай тармоққа қарашли бўлишидан ва мулкчиликнинг қайси шаклида эканлигидан қатъи назар ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга хом ашё ва материаллар

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Баҳоси бозор нархларидан анча арзон!

Кўргазмада "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари иштирок этадилар.

Сизларни ҳар куни соат 9⁰⁰ да қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, Тўқимачилар саройи.

Маълумот учун телефонлар:
☎ 39-10-37, 39-13-49.

Йўналиш:
Бобур номли истироҳат боғи.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ғ. Машариповга волидаи муҳтарамаси

Ойша опа МУРОДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректорати ва касаба уюшмаси ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ректор муовини, профессор Ғ. А. Саматовга падари бузруквори

АЛЛАҚУЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси инкассация бирлашмаси жамоаси бирлашманинг Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи Юнусали Валиевга волидаи муҳтарамаси

Мўътабархон САРИМСОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газ